



АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМИДА ПЛАЦЕНТАЦИЯ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Зарипов Шерзод Шодиевич¹,
Султонова Нигора Аъзамовна²,
Зарипова Дилноза Яшиновна³

Бухоро давлат тиббиёт
институту мустақил изланувчиси¹,
Бухоро давлат тиббиёт институти
Оилавий шифокорларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш
кафедраси доценти,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)²,
Бухоро давлат тиббиёт институти
Оилавий тиббиётда акушерлик ва
гинекология кафедраси доценти,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)³

Резюме. Антифосфолипид синдроми (АФС) репродуктив ёшдаги аёлларда такрорий ҳомила тушиши ва бошқа акушерлик асоратларининг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади [1,3]. Ушбу синдромда антифосфолипид антитаналар таъсирида эндотелиал дисфункция, гиперкоагуляция ва микроциркуляция бузилиши ривожланиб, плацентация жараёни издан чиқади. Бу ҳолат трофобласт инвазиясининг етарли даражада кечмаслиги, бачадон спирал артерияларининг нотўлиқ ремоделланиши ҳамда плацентар етишмовчилик ривожланишига олиб келади [2]. Натижада ҳомила ва она ўртасидаги модда алмашинуви бузилиб, ҳомиладорликнинг эрта муддатларида репродуктив йўқотишлар хавфи ортади.



Калит сўзлар: антифосфолипид синдроми, плацентация, йўлдош, трофобласт, хорион ворсинкалари, микроангиопатия, плацентар етишмовчилик, патоморфология.

Тадқиқот мақсади. Антифосфолипид синдромида плацентация бузилишларининг патоморфологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг репродуктив йўқотишлар ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотда АФС туфайли ҳомила тушиши кузатилган беморлардан олинган абортив материал, йўлдош ва децидуал тўқима намуналари морфологик ва гистологик жиҳатдан ўрганилди. Биоматериал 10% нейтрал формалинда фиксация қилиниб, стандарт гистологик ишловдан ўтказилди. Парафин блоклардан 3–4 мкм қалинликдаги кесмалар тайёрланиб, гематоксилин-эозин билан бўялди. Микроскопик таҳлилда хорион ворсинкалари, трофобласт, децидуал тўқима, қон томирлар ва яллиғланиш элементларидаги ўзгаришлар баҳоланди.

Натижалар. Морфологик текширувларда хорион ворсинкаларида трофобластнинг дистрофик ва атрофик ўзгаришлари, строманинг шиши, ворсиналар ривожланишининг кечикиши ҳамда фибриноид моддаларнинг тўпланиши аниқланди. Қон томирларда микроциркуляциянинг бузилиши, микротромбозлар, қон қуйилиш ўчоқлари ва ишемик ўзгаришлар кузатилди. Децидуал тўқимада гидропик дистрофия, моноклеар яллиғланиш инфильтрацияси ҳамда майда некроз ўчоқлари қайд этилди.

Трофобласт инвазиясининг етарли даражада кечмаслиги спирал артерияларнинг физиологик ремоделланишини чеклаб, бачадон-йўлдош қон айланишининг бузилишига сабаб бўлди. Бу эса плацентар гипоксия, ангиогенезнинг сусайиши ва плацентар етишмовчилик ривожланиши учун морфологик асос яратди. АФСда эндотелиал дисфункция ва



тромботик микроангиопатия бир вақтнинг ўзида кечиб, хорион ворсинкаларидаги ишемик-деструктив ўзгаришларни янада кучайтириши кузатилди.

Олинган маълумотлар плацентация бузилишларининг асосида трофобласт функциясининг сусайиши, қон томирлар ремоделланишининг етарли эмаслиги ва маҳаллий микроциркуляция бузилиши ётишини кўрсатди. Ушбу ўзгаришлар эрта репродуктив йўқотишлар ривожланишида муҳим патогенетик аҳамиятга эга.

Хулоса. Антифосфолипид синдромида плацентациянинг бузилиши хорион ворсинкалари, трофобласт ва децидуал тўқимада ривожланувчи морфологик ҳамда микроангиопатик ўзгаришлар билан тавсифланади. Микротромбозлар, ишемия, фибриноид некроз ва яллиғланиш инфильтрацияси плацентар етишмовчиликнинг асосий морфологик белгиларини ташкил этади. Ушбу патоморфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш репродуктив йўқотишлар хавфини баҳолаш, патогенетик даволашни такомиллаштириш ҳамда акушерлик асоратларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Список литературы

1. Ruiz-Irastorza G., Hunt B.J., Khamashta M.A. A systematic review of secondary thromboprophylaxis in patients with antiphospholipid antibodies // Arthritis & Rheumatism. — 2017. — Vol. 57, No. 8. — P. 1487–1495.
2. Schreiber K., Hunt B.J. Managing antiphospholipid syndrome in pregnancy // Thrombosis Research. — 2019. — Vol. 181, Suppl. 1. — P.41–46.
3. Willis R., et al. Pathophysiology of the antiphospholipid antibody syndrome // Autoimmunity Highlights. — 2021. — Vol. 2, No. 2. — P. 203-210.